

4. Ausarbeitung eines für das Schulkonzept verwendbaren Leitfadens

Praktisches Ergebnis

1. Dokumentation „Geschichte der Abfallwirtschaft in Europa“
2. Dokumentation „Abfallwirtschaft in Deutschland und in Usbekistan im Vergleich“
3. Leitfaden „Vision müllfreie Schule“

Дилдора ХУДАЙБЕРГАНОВА ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИДА АРХАИЗМЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Архаизм юнон тилидан олинган бўлиб, қадим, қадимги деган маъноларни билдиради. Улар ҳозирги умумхалқ тилида ишлатилмайдиган ва эскириб қолган сўз ҳамда иборалардир¹.

“Гўрўгли” достонлари оғзаки тарзда ижро қилинишига қарамасдан, улар матнида ҳам эскирган сўзлар анчани ташкил этади.

Эскирган сўзларнинг аксарияти маиший турмуш билан алоқадордир. Достон воқеалари ижтимоий-иқтисодий воқеликни тасвирлаганлиги сабабли улар таркибида қадимги турмуш тарзига оид анчагина сўзлар сақланиб қолган.

Турар жойлар:

Кума-ертўла; чотма-ёзги чортоқ.

Сафар кўсани олиб бориб, бир кумага қамаб, устидан тамма уриб кўявердилар. (Г. 343-бет.)

Мен Уч гумбаз тоғидаги чотмада сигир сўйиб берган боламан, деди Гўрўгли. (Г. 45-бет.)

Кийимлар: чекман-туя жунидан тўқилган устки кийим; кулоҳ-дарвешлар киядиган учли телпак; жанда-дарвешлар киядиган тўн; қабохотин қизлар киядиган енгил чопон. зар қубба-маликалар киядиган бош кийими.

Гўрўгли ўттиз туянинг жунидан тўқилган чакманини эгнига олиб, белини ўттиз газ арқон билан боғлаб майдонга чиқди. (Г. 187-бет.)

Гўрўгли кийимларини ечиб бошига кулоҳ, эгнига жанда кийди. (Г. 215-бет.)

Бошларига зар қуббалар тақмишдур,

Ширин жоним ишқ ўтина ёқмишдур. (Г. 59-бет.)

Эгнимдан ечилмиш гулгун қаболар,

Тарк айлаган бизни кайфу сафолар. (Г. 340-бет.)

Хўжалик анжомлари: хуржун-икки кўзли, от ёки эшак устига юки билан ортиладиган, жундан ишланган анжом, кажава-арава устига ўрнатиладиган юк анжоми.

Равшанбек янгаси билан бувасини отга мингаштириб хуржунини елкасига ташлаб, қалъадан чиқди. (Г. 27-бет.)

Гуландомни дарров туяга юкланган кажавадан туширдилар, тўй – устига тўй боланиб кетди. (Г. 97-бет.)

¹ Лапазов Ж. Бадиий матн ва лисоний таҳлил. –Т.: “Ўқитувчи”, 1995. –Б. 15. (86)

Қурол-яроқлар: -Ўқ ёй; садоқ-ўқдон; найза; чоройна-совутнинг остидан кийиладиган темир тўр. **Шашпар**-(шамшир)-ханжарнинг бир тури.

Жиғолибек Равшанбекка бир ўқ-ёй ясаб бериб айтдики, энди умидимиз сендан, овчилик қилиб бир нарса топиб бизларни боқарсан, деди. (Г. 29-бет)

Содоқимда бир ўқ қолди, деди Гўрўғли. (Г. 80-бет.)

Найза айтар мен яроғман, ёвни санчишга ярарман. (Г. 187-бет.)

Арабнинг орқасида **чоройна** бор экан. Ўқ унинг танасига ўтмади. (Г. 153-бет.)

Шашпар айтар: менинг ишим, ўн икки бўлақдир бошим. (Г. 173-бет.)

Бошқа тиллардан ўзлашма сифатида ўтиб, кейинчалик эскирган сўзлар:

Машварат-маслаҳат йиғилиши.

Чамлибелнинг катхудолари йиғин-**машварат** этиб айтдиларки, эй халойиқ, Одибек ўлгандан бери юртимиз султонсиз қолди. (Г. 51-бет.)

Меҳроб-намоз ўқиладиган жой.

Гўрўғли кетмонни **меҳробнинг** тагига қўйиб, ёвани орқасига қистириб ўрнидан турди. (Г. 294-бет.)

Закот-солиқнинг бир тури.

Закотингни бериб кетгил, Бозиргон. (Г. 365-бет.)

Сим-кумуш; **зар** -о.лтин.

Емай йиғиб **симу** -зарни бирга олиб кетган борми. (Г. 464-бет.)

Маҳшар-қиёмат.

Унутиб рўзи **маҳшарни** охирига етган борми. (Г. 464-бет.)

Озиқ-овқат номлари: **Кўмач**-хамирдан қозонда қотириб пишириладиган нон.

Ҳозир сен икки **кўмач** пишириб бирини менга бер, бирини ўзинг белингга туг деди Жиғолибек. (Г. 39-бет.)

Узушлик ва оғирлик ўлчовлари: газ (62 см.дан 91,5 см. гача) **аршин** (0, 71 метр); **ботмон**-оғирлиги 20,16 кг дан 40,95 кг гача (Хивада)

Отга минган, бўйи икки **газ**, эни бир ярим **газ**, кўзлари ёниб турган бир йигит. (Г. 49-бет.)

Ўн саккиз **аршин** от миндим,

Отдан армоним қолмади. ("Гўрўғли". 357-бет.)

Йўқдир сенинг тенгу тойинг,

Устингда уч **ботмон** ёйинг. (Г. 47-бет.)

Пардоз-андоз билан боғлиқ сўзлар: **мушк**-қора тусли хушбўй модда. **Анбар**-хушбўй модда.

Юрганда изига **мушк анбар** сочар,

Гуландомдек навжувонни кўрмадим, (Г. 13-бет.)

Анбар сочинг, зарга тўлган кокилинг,

Бирдир абришимдан, талдан, Авазим! (Г. 97-бет.)

Бу сўзлар жамият тараққиёти жараёнида аста-секин унутилиб, эскирган лексика қаторидан жой олишган. Халқ достонлари лексикасининг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, оғзаки вариантлар ҳозирги даврда ижро этилганда ҳам унда эскирган сўзлар кўп ишлатилади. Агарда сўрасангиз бахшининг ўзи ҳам унинг маъносига тушунмайди. Чунки достон матни устоздан шогирдга ўтганда ўзгармасдан ўтади. Бахшичилик анъанасида уларни ўзгартириш айб ҳисобланган. Бироқ, жамият тараққиёти жараёнида матнга неологизмлар кириб келади. Масалан, Болабахши куйлаган “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” достонида “Лампочка”, “Самовар” сўзлари учрайди. Эскирган сўзлар воқеа тафсилотларини беришда қулай восита ҳисобланади. Уларни қўллаш воқеалар бўлиб ўтган даврни қайта жонлантиради. Бу сўзларнинг этимологиясини тадқиқ қилиш тил тарихининг очилмаган саҳифаларини ёритади.

Мақсуд ГУЛИМОВ
МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ТИЛШУНОСЛИГИДА РАВИШ
ТУРКУМИ ТРАНСПОЗИЦИЯСИ

Ўтган асрнинг 90-йиллари охиригача ўзбек тилшунослигида табиати ўта зиддиятли талқин этилган туркум равиш бўлди, десак муболаға бўлмайди. Манбаларда равиш ўзгармас мустақил маъноли сўз деб кўрсатилса-да, кўплаб ўзгарувчан сўзларнинг бу гуруҳ таркибида учраши мазкур туркум чегарасини кенгайтириб юборди. Равишнинг ўзига хос мураккаблиги унинг морфем таркиби, сўз ўзгариши, сўз ясалиш ва семантик-функционал томонларида кузатилади. Лексик қатламдаги ҳар қандай ҳолат-хусусият, ўрин-мақом, пайт, миқдор маъноли сўзларга равиш деб қараш мазкур туркумни сунъий равишда мураккаб грамматик категория даражасига чиқариб қўйишимизга сабаб бўлди. Қолаверса, кўпгина тадқиқотларда равишларни гуруҳлашда соф семантик, аниқроғи, таржима усулидан фойдаланиш ҳам бу гуруҳнинг ўзгармаслик мезонига соя солиб келди.

Тилшунослигимизда мазкур туркумга алоқадор ўзгармас сўз ва ўзгармас позиция (мавқе), равишга аналогия таъсири, қўшимчаларнинг плеонастик, окказионал қўлланиш, равишнинг тузилиш турлари содда (содда туб, содда тублашган, содалашган, ихтисослашган), қўшма (лексемалашган равишлар), жуфт, такрорий равишлар ва сўз (равиш)нинг морфем таркибида бўладиган ўзгаришлар билан боғлиқ текширилиши керак бўлган муаммолар анчагина.

Равишнинг семантик-функционал имкониятлари, бошқа туркум сўзлари билан муносабати натижаси ўлароқ, бу гуруҳнинг кенгайиб туриши, хусусан, равишларнинг бошқа туркум (от, сифат)га ўтиш ҳодисаси фанимизда ҳозиргача тадқиқ объекти бўлган эмас.

Туркий тиллар, жумладан, ўзбек тилида равиш ва у билан боғлиқ илмий-назарий масалалар, хусусан, равишларнинг тузилиши ва таркиби